



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

**O'ZBEK TILI
VA ADABIYOTI**

**ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ**

2/2022



Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган.

Бир йилда олти марта чиқади.

2
—
2022

Ўзбекистон Республикаси
Физлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент – 2022

O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Максуд АСАДОВ
Рахматулла БАРАКАЕВ
Фулом ИСМОИЛОВ
Наим КАРИМОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
Сувон МЕЛИ
Ёрқинжон ОДИЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб)
Гулчехра РИХСИЕВА
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТЎХЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алмаз УЛВИЙ
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Улуғбек ҲАМДАМОВ
Хайрулла ҲАМИДОВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Илмий ахборот

Девондаги 284-ғазалнинг матласи ва 39-фард бир хил. Ғазалда байтлар ўзаро мустақил маъносини сақлаб қолган бўлса-да, матлада айтилаётган фикр мактагача ривожлантириб борилган. Бизнингча ҳам, фард кейинчалик кенгайтирилиб, ғазал ёзилишига асос бўлган.

“Бадоэй ул-бидоя”даги шеърлар “Хазойин ул-маоний”га кирити-лаётганда муаллиф томонидан турли таҳрир ва тузатишларга учраган. Девондаги фардларнинг “Фавойид ул-кибар”га кўчишида тушиб қолган 4 байтни ҳисобга олмаганда, жиддий таҳрир кузатилмайди. Икки девондаги байтларда аниқланган сўзларнинг фарқланишини қўлёзмани ўқиш асносидаги хатоликлар деб ҳисоблаш мумкин. Чунки куллиётга “анбур” сўзининг – “анбар”, “эл давронда” бирикмасининг – “элдур анда” шаклида ўтганлиги матннинг кейинчалик тузатилганидан дарак беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фардларни “Хазойин ул-маоний”нинг охирги девонидан ўрин олиши унинг хуласавийлик вазифаси билан боғлик.

Хуласа қилиб айтганда, Навоий лирикасидан ўрин олган фардлар бу жанр мавзу мундарижасининг кенгайиши, қофияланиши, шеърий санъатлардан унумли фойдаланиш ва бошқа жанрлар яратилишида хамиртуруш вазифасини бажариши билан аҳамиятлидир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада “Бадоэй ул-бидоя” девонидаги фардлар хусусида фикр юритилган. Фардларнинг жанр хусусиятлари ва кейинги девонларга кўчишдаги таҳрirlар тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ. В статье обсуждаются представление о фардах в диване “Бадоэй уль-бидоя”. Исследованы жанровые особенности фардов и правок при переходе к последующим диванам.

RESUME. The article discusses the individuals in the Badoyi' ul-Bidoya divan. Genre characteristics of individuals and edits in the transition to subsequent diwans have been investigated.

Таянч сўз ва иборалар: девон, фард, ғазал, аruz, радиf, синонимик параллелизм.

Ключевые слова и выражения: девон, фард, газель, аруз, радиf, синонимический параллелизм.

Key words and word expression: divan, fard, ghazal, aruz, radif, synonymous parallelism.

ул-афкор” рисола байтлар мисолидан

Радиф байт дошликини таъми “Рисолаи дар қадабағишиланган музҳожиб тушунчалашасарида мураддаға фарқли хусусият “ул-ашъор” асарини радиf зикри фортушунчаси батағди

Рашидиддин тушунчаларини қадабағи келувчи бир ёки бир қайд этади⁴. У ахирининг қўлланиши Араб адабиётида қаралиб, замонави тадқиқатида. Олим шу ўз Замахшарийнинг 1990 йилдаги Ушбу байтда Замахшарийнинг

Ал-фади
Ва-л-матни

Олим форс сифатида ўз ижоди

Назом ҳамони
Тамом гаштни

Ватвот келтириб радиf вазифасини кейинги байтда радиf

Моро ба
Асбоби сифати

Олим форс

¹ Атоуллоҳ Ҳусайн (1900-1970)

² Рашидаддин Ваҳид (1900-1970)

³ Насируддин Тӯрбасов (1900-1970)

⁴ Душанбе: “Ориёно”, 1992. – С. 10

⁵ Уша ерда.

⁶ Ҳашимов

Орзигул ҲАМРОЕВА

МУМТОЗ ПОЭТИКАДА РАДИФ ВА ҲОЖИБ ТАДҚИҚИ

Мумтоз поэтикага оид арабий, форсий ва туркий рисолаларнинг аксариятида мумтоз қофиянинг таркибий қисми сифатида радиf ва ҳожиб назарияси алоҳида тадқиқка тортилган. Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойик ус-сехр”, Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Умар Родиёнийнинг “Таржимон ул-балога”, Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамол”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Рисолаи дар қавоиди илми қавофи”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоэй

Илмий ахборот

ул-афкор” рисолаларида радиф ва ҳожиб назариясига оид муносабатлар байтлар мисолида тушунирилган.

Радиф байт мисралари охиридаги такрорланувчи сўз бўлиб, оҳангдошикни таъминлаб берувчи асосий унсурдир. Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Рисолаи дар қавоиди илми қавофи” асари мумтоз қофия назариясига бағишлиланган муҳим манба бўлиб, олим рисоланинг 9-кисмидаги радиф ва ҳожиб тушунчаларини изоҳлади¹. Рашидиддин Ватвот “Ҳадойик ус-сехр” асарида мураддаф санъати шарҳида радиф, ридф ва ҳожиб тушунчаларининг фарқли хусусиятларини тушунириди². Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарининг 2-кисм 6-фаслида “Қофия ҳарфлари, ҳаракатлари ва радиф зикри форс олимлари наздида” сарлавҳаси остида радиф ва ҳожиб тушунчаси батафсил изоҳланган³.

Рашидиддин Ватвот “Ҳадойик ус-сехр” асарида радиф ва ридф тушунчаларини қиёсий ўрганади. Радиф – форс адабиётида қофиядан кейин келувчи бир ёки бир неча сўздан иборат такрорланувчи қисм эканлигини кайд этади⁴. У араб адабиётида радиф мавжуд эмаслигини таъкидлаб, унинг кўлланиши форс адабиётига хос хусусият эганлигига ишора қиласи. Араб адабиётида радиф шеърни мураккаблаштирувчи восита сифатида каралиб, замонавий араб шеъриятида баъзи шоирлар ижодида учрашини айтади. Олим шу ўринда радиф ишлатилган байтга намуна сифатида Фахри Замахшарийнинг Хоразмшоҳ мадҳига бағишлиланган қитъасини келтиради. Ушбу байтда Замахшарий ҳам форслар каби радиф ишлатганини айтади.

*Ал-фадлу ҳассалаҳу Алоу-д-Давлати
Ва-л-мажсу ассалаҳу Алоу-д-Давлати⁵*

Олим форс шеъриятида радиф ишлатилган байтлардан намуна сифатида ўз ижодига мурожаат этади.

*Назом ҳоли замони қавоми кори жаҳон,
Тамом гашт беикболи шаҳриёри жаҳон.*

Ватвот келтирган юқоридаги байтда яхлит бир сўз – “жаҳон” сўзи радиф вазифасини бажарган бўлса, намуна сифатида келтириладиган кейинги байтда радиф сифатидаги сўз ёрдамчи феъл вазифасини бажарган:

*Моро баҳори айи моҳанно кунад ҳаме
Асбоби сад нишот моҳаййо кунад ҳаме⁶*

Олим форс шеъриятида радиф муҳим аҳамиятта эга эканлиги,

¹ А тоуллоҳ Ҳусайнин. Рисолаи дар қофия. – Текрон., 1393 (хижрий-шамсий). – Сах.36.

² Рашидаддин Ватват. Ҳада’ик ас-сехр фи дака’ик аш-ши’р (Перевод с персидского и комментарий факсимиле Н.Ю.Чалисова). – М.: “Наука”, 1985. – Стр. 164

³ Насирулдин Тусий. Ми’йар ал-аш’ор (Хозиркунандаҳо чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол). – Душанбе: “Ориёно”, 1992. – Сах. 122

⁴ Рашидаддин Ватват. Ҳада’ик ас-сехр фи дака’ик аш-ши’р. – Стр.164.

⁵ Ўша ерда.

⁶ Ўша ерда.

Илмий ахборот

радифнинг ўз ўрнида шеър моҳиятига мос танланиши ижодкор маҳоратидан дарак беришини таъкидлайди.

Атоуллоҳ Ҳусайнин ҳам “Рисолаи дар қавоиди илми қавофи” рисоласида радифга атрофлича таъриф беради. Рисоланинг 9-қисмида “Радиф ва ҳожиб” сарлавҳаси остида ўзининг радифга оид қараашларни тақдим этади. Олим радифга бир ёки бир нечта сўздан иборат бўлган асосий қофиядан кейин такрорланувчи мустақил сўз дея таъриф беради⁷. Бу таъриф радифнинг мисрадаги ўрни, таркиби, шакли каби барча хусусиятларини қамраб олади. Олим агар радиф шеър моҳиятига мос танланмаса, бу жуда катта камчилик эканлигига алоҳида эътибор қаратади.

Воҳид Табризий “Жамъи муҳтасар” асарида радифни қофия билан бир бутунликда тушуниш кераклигини айтади. Радиф – бир ёки бир неча сўздан иборат бўлиб, равийдан кейинги, айнан шу шаклда барча мисраларнинг охирида бирдек такрорланувчи қисм⁸. У айни ўринда ридф ва радиф ҳодисаларининг фарқли хусусиятларини ихчам шаклда тушунтиради.

Шамсиддин Қайс Розий “Ал-мўъжам” асарида қофия ва радифнинг киёсий тадқиқини амалга оширади. “Қофия мисра охирида келиб, бошқа мисра ва байтлар сўнгида такрорланмаслиги керак. Агар бу сўз мисра охирида такрорланса, радиф саналади, қофия одатда радифдан олдин келади”⁹. Олим асарнинг яна бир ўрнида “шакар дорад – қамар дорад” қофиядош сўzlарини изоҳлар экан, “шакар – қамар” сўzlари қофия бўлиб, “дорад” ёрдамчи сўзи радиф вазифасини бажарганини ва бу қофия мураддаф қофия сифатида номланишини таъкидлаган.

*Рухи ту равнақи қамар дорад,
Лаби ту лаззати шакар дорад¹⁰.*

Демак, олим радифни қофия билан узвийлиқда тушунтиради. Шеър мазмун-моҳиятига кўра радифга муҳтож бўлмаслиги кераклигини уқтиради.

Фахри Исфаҳонийнинг “Меъёр ул-жамол” асарида ҳам радифга алоҳида эътибор қаратилади. Олим радифни қофиядан алоҳида, мустақил бир ҳодиса сифатида баҳолайди. Радиф қофиядан айрилган алоҳида мустақил сўз бўлиб, байтлар охирида такрорланишини, шеър мазмун ва шакл жихатидан радифга муҳтоҷлигини таъкидлайди. Фахри Исфаҳоний фикрининг исботи сифатида икки рубоййни таҳлиллга тортади.

*Айём ба коми шайх Абу Исҳоқ аст.
Ажром ба коми шайх Абу Исҳоқ аст.
Гў душмани курбаҳти хунхўр, ки фалак,
Модом ба коми шайх Абу Исҳоқ аст. (121).*

⁷ Атоуллоҳ Ҳусайнин. Рисолаи дар қофия. – Сах. 38.

⁸ Воҳид Табризи. Джамъи муҳтасар. Критический текст (Пер. и примеч. А. Е Бертельса). – М.: “Наука”, 1959. – Стр. 86.

⁹ Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам фи маъйири ашъору-л-ажам (Перевод с персидского исследования и комментарий Н.Ю.Чалисова). – М.: “Восточная литература”, 1997. – С.172.

¹⁰ Ўша асар, 81-бет

Илмий ахборот

Эътибор берилса, Фахри Исфаҳоний радифнинг бир нечта сўздан иборат ёйиқ шакли акс этган рубоийни намуна сифатида келтирган. Бу рубоий қофия ва радифдан иборат.

Хусайн Воиз Кошифий ҳам “Бадоеъ ул-афкор” асарининг хотима қисмида қофия ва қофияга оид тушунчалар ҳакида маълумот бериш чоғида радифга таъриф беради. Олим радиф икки асосий хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди. Биринчидан, радиф шеърнинг бадиийлигини оширади. Иккинчидан эса, у ижодкорнинг маҳоратини кўрсатиб беради¹¹.

Носириддин Тусий “Меъёр ул-ашъор” асарида араб ва форс адабиётидаги назарий қарашларни киёсий ўрганади. Қофия илми тадқиқига багишланган қисмда араб адабиёти ва форс адабиётидаги тафовутларни бирма-бир кўрсатиб беради. Тусий дастлаб радифнинг пайдо бўлиш тадрижига эътибор қаратади. Олим Шамс Қайс Розий сингари радиф араб адабиётида эмас, форс адабиётида пайдо бўлганига ишора қиласди. Кейинчалик араб шоирлари форслардаги бу унсурни ўзлаштириб, шеърларида қўллай бошлаганларини таъкидлайди. У асарнинг “Дар ҳуруф ва ҳаракоти қавофи наздикি порсигўён ва зикри радиф” қисмида равийдан кейинги ҳар қандай тақрорланувчи ҳарфни радиф сифатида баҳолайди. “Ва чун маънни радиф равшан шуд, маълум шуд, ки он чи баъд аз равий ва васл ояд, агар як ҳарф бошад ва агар зиёдат, жумла аз ҳисоби радиф бувад”¹². Айни ўринда васл ва радифнинг фарқлари хусусида ҳам тўхталади. Дастлаб равийдан кейинги ҳарфларнинг радиф эканлигини таъкидлаган олим, равийдан кейин келувчи васл ҳарфин қофия билан узвий боғликлигини, қофия таркибида бир сўз ҳолида бўлишини таъкидлайди. Васл ҳарфи шу хусусияти билан радифдан фарқ килишини айтади.

Носириддин Тусий радифнинг ўрни ва тақрор келиши унинг қатъий хусусиятларидан бири эканлигига алоҳида урғу беради. Radif тақрор келиши шарт, шеър таржима қилинганидагина радиф тушиб қолишини кечириш мумкинлигини таъкидлайди.

Юсуф Азизийнинг “Аруз” рисоласида ҳам радиф назарияси, қўлланиш ўрни, таркиби борасида маълумотлар келтирилган бўлиб, у радифни икки маънода ишлатади. Биринчиси, қофиядан кейин келувчи тақрорланувчи мустакил сўз. Иккинчиси эса, Носириддин Тусий айтганидек, равийдан кейинги тақрорланувчи қисм. Р.Мусулмонқулов ҳам Юсуф Азизийнинг радиф борасидаги фикрлари Носириддин Тусий қарашлари билан жуда ўхшаш эканлигини қайд этади.

Мумтоз поэтика илмига багишланган мухим манбалардан бири Нажотий Нишопурнийнинг “Рисолаи пирўзий ва мақолаи наврўзий” рисоласида ҳам радиф назарияси батафсил ёритилган. Олим рисолада қофиясиз, аммо радифли шеър шакли ҳақида маълумот беради. “Форсларда яна бир шеър шакли бўлиб, уни жарада (харада, хасрада?) деб атайдилар.

¹¹ Камаладдин Хусайн Ваиз Кашифи. Бадан-ал-афкар-фи сан-и ал-ашъар (Новые мысли о поэтическом искусстве). Издание текста, предисловие, примечания и указатели Р.Мусульманкулова. – М.: “Наука”, 1977. – Стр. 28.

¹² Насириддин Тусий. Ми’яр ал-аш’ор. – Сах. 122.

Илмий ахборот

Бундай шеър шаклида қофия бўлмайди, бироқ мисралар сўнгига тақорланувчи радиф иштирок этади¹³. Нажотий замонавий форс шоирлари ижодида бундай шеър шакли учрамаслигини таъкидлаб, қофиясиз радиф тақорланган байт сифатида 4 байтдан иборат Саноийнинг шеъридан намуна келтиради. Р.Мусулмонкулов Нажотий намуна сифатида келтирган бу байтдаги радифни алоҳида таҳлилга тортади¹³.

Демак, радиф тушунчаси мумтоз поэтикага оид рисолаларнинг деярли барчасида илми қофиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида тадқиқотга тортилган. Бу рисолаларда радиф тушунчаси билан параллель равишда ҳожиб тушунчаси, унинг ўзига хос хусусияти ҳакида ҳам етарлича маълумотлар келтирилган.

Аруз ва қофия илми назариясига оид маҳсус рисола яратган Абдураҳмон Жомий ҳам “Рисолаи қофия” асарининг мукаддима қисмидан бир жумла билан радифга таъриф беради. “Радиф деб шундай калимани айтурларки, бу калима ҳамма байтлар охирида бир хил тарзда тақорланиб келсин”¹⁴. Жомий ҳам радиф ишлатилган қофия мураддаф қофия деб номланишига эътибор қаратади.

Ҳожиб сўзи “пардадор, беркитувчи” деган маънони англатади. Ҳожиб мумтоз қофиянинг муҳим унсурларидан бири бўлиб, радиф сингари тақорор асосига қурилади. Бироқ бу тақорор радифдан фарқли ўлароқ, қофиядан олдин жойлашади. “Меъёр ул-ашъор” муаллифи Насириддин Тусий ҳожибни “кард ёд, кард шод” сўзлари мисолида тушунтиради. Ушбу сўзлардаги “ёд – шод” сўзлари қофиядош сўзлар саналса, қофиядан олдинги тақорланувчи “кард” сўзи ҳожиб саналади¹⁵.

Рашидиддин Ватвот “Ҳадойик ус-сехр” асарида ҳам радиф тақорланиш хусусияти билан ҳожибга ўхшашини, факат ҳожиб қофиядан олдин жойлашишини таъкидлайди:

Эй шаҳи замин бар осмон дори таҳт,
Суст аст аду то каманин дори саҳт.
Ҳамле сабук ори во ғарәп дори лаҳт.
Пири то бедонишу жавон дори баҳт.

Олим ҳожиб қўлланган байт бир қанча олимлар томонидан маҳжуб байт номи билан аталишига ишора қиласди¹⁶.

Воҳид Табризий “Жамъи мухтасар” асарида ҳожибни радифнинг шакли сифатида таништиради. Бироқ у ҳожиб равийдан олдин тақорланиб келишини, бундай шеър маҳжуб шеър деб номланишини таъкидлайди. Воҳид Табризий асарида бир неча маротаба Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарига мурожаат этади. Шамс Қайс Розийнинг ҳожиб

¹³ Мусулманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X–XV вв. – М., 1989. – Стр. 95–116.

¹⁴ Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофия // Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: ЎМЭ, 2009, 301-бет.

¹⁵ Насируддини Тўсий. Ми’йар ал-аш’ор. – Сах. 123.

¹⁶ Рашидаддин Ватват. Хада’ик ас-сехр фи дақа’ик аш-ши’р. – Стр. 124.

ҳакидағи қардиради¹⁷.

Атоуллоҳ ҳожиб иккى киҳам иккى қоғим Демакки, ҳожиб санъат турлар мажбурият бўйича

Кўринича тушунчалари деярли барчасида Рашидиддин Рашидиддин Жомий, Юсуф радиф ва ҳожиб қаршиликлар фикрларидан мумкаммал ишлаб чиради

РЕЗЮМЕ
тушунчалари бўйича учун ҳам поэтический барчасида радиф тадқиқи рисола

РЕЗЮМЕ
а понятия «радиф» в науки о рифме, посвященных письменности. Изучены эти два

RESUME
of radif, hajib and their relationship in Arabic, Persian and Russian literature. The article, the study

Таянч сўз
Ключевые слова
Key words

ҲИКОЯ

Сўнгти
ҳикоялар салмандарини
талқинини яр

¹⁷ Воҳид Табризий

¹⁸ Атоуллоҳ ҳожиб

Илмий ахборот

ҳақидағи қарашларини тақдим қилған ҳолда, ўз муносабатларини билдиради¹⁷.

Атоуллох Ҳусайній “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи” асарида ҳожиб икки қофия ўртасида келиши кераклигини айтади. Фахри Исфаҳоний ҳам икки қофия ўртасидағи тақрорланувчи сүз ҳожиб эканлигига ургу беради. Демакки, ҳожиб ишлатылған байтлар ички қофияга асосланадиган барча санъат турларини юзага келтиради. Атоуллох Ҳусайній ҳожибнинг күлланиши мажбурият бўлмай, у ижодкор ихтиёрига боғлиқ эканлигини айтади¹⁸.

Кўриниб турибдики, тақрорларга асосланувчи радиф ва ҳожиб тушунчалари изохи мумтоз поэтика илмiga бағишлиған рисолаларнинг деярли барчасида келтирилган. Шамсиддин Қайс Розий, Носирiddин Тусий, Рашидиддин Ватвот, Шамси Фахри Исфаҳоний, Воҳид Табризий, Абдураҳмон Жомий, Юсуф Азизий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайнійларнинг радиф ва ҳожиб ҳақидағи қарашлари деярли бир хил бўлиб, фикрий қарама-қаршиликлар учрамайди. Аксинча, жуда кўп ўринларда улар бир-бирларинг фикрларидан таъсирланиб, тўлдириб, изоҳлаб мумтоз қофия илми назариясини мукаммал ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган.

РЕЗЮМЕ. Қофия илми мумтоз поэтиканинг таркибий кисми бўлиб, радиф, ҳожиб тушунчалари бевосита илми қофиянинг асосий унсурларидан бири саналади. Шунинг учун ҳам поэтика илмiga бағишлиған арабий, форсий, туркий рисолаларнинг деярли барчасида радиф ва ҳожиб ҳодисалари атрофлича ёритилган. Мақолада бу икки тушунча тадқиқи рисолалар киёси асосида ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. Наука о rhyme составляет неотъемлемую часть классической поэтики, а понятия «радиф», «хаджиб» являются одним из основных элементов непосредственной науки о rhyme. Поэтому почти во всех арабских, персидских и турецких трактатах, посвященных поэтике явления радифа и хаджиба широко освещены. В статье также изучены эти два понятия на основе сравнения научных трактатов.

RESUME. The science of rhyme is an integral part of classical poetics, and the concepts of radif, hajib are one of the main elements of direct science rhyme. That is why almost all Arabic, Persian and Turkish treatises on poetics cover the events of radif and hajib in detail. In the article, the study of these two concepts is studied on the basis of brochure comparisons.

Таянч сўз ва иборалар: поэтика, рисола, қофия, радиф, ҳожиб.

Ключевые слова и выражения: поэтика, трактат, rhyme, radif, hajib.

Key words and word expressions: poetika, brochures, rhyme, radif, hajib.

Малика МАНСУРОВА

ҲИКОЯДА ФИТРАТ ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Сўнгти йилларда жадид адиларининг сиймолари акс этган тарихий ҳикоялар салмоғи ортиб бораяпти. “Адабиётда тарихий воқеликнинг бадиий талқинини яратишда катта тажриба ва анъаналар мавжуд. Тарихдан ҳикоя

¹⁷ Воҳид Табризий. Джам и мухтасар. – Стр. 139.

¹⁸ Атоуллоҳ Ҳусайній. Рисолаи дар қофия. – Сах. 93.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Ё.Одилов. Тил сиёсати: давлат тили, расмий тил ва миллий тиллар	3
Г.Розикова, М.Бурханова. Новербал воситаларнинг эмотив хусусиятлари	10

Адабиётшунослик

И.Адизова. Захиридин Муҳаммад Бобурнинг шеърий маҳорати	18
С.Мели. Фахриёр феномени	24
У.Ҳамдамов. Шеъриятда вазн алмашинуви жараёни	33
М.Отажанова. Миф – бадиий тафаккур асоси сифатида	36

Илмий ахборот

Н.Сабирова. Хоразм халфачилигининг илк манбалари	44
Ш.Амонов. Табибий таржеъбандларининг матний хусусиятлари	48
Б.Абдураҳмонова. “Қутадғу билиг”да талмех санъати	52
Д.Рустамова. Навоий ижодида фард жанри	57
О.Ҳамроева. Мумтоз поэтикада радиф ва ҳожиб тадқики	60
М.Мансурова. Ҳикояда Фитрат образининг бадиий талқини	65
Б.Шукурова. Ҳикояда эстетик идеалнинг намоён бўлиши	70
В.Аҳмедова. Усмон Азим драматургиясининг тасвир предмети	74
Ғ.Атаджанов. Бадиий таржимада миллий реалияларнинг ифодаланиши	77
Н.Норова. Ҳозирги шеъриятдаги поэтик янгиланишлар ҳакида	81
Т.Дусanova. “Маҳбуб ул-кулуб”да бадиий санъатлар	86
А.Ҳасанов. Тилдаги лексик бўшликлар ва уларни тўлдириш муаммолари	89
М.Сабирова. Газета матнида коннотациянинг ифодаланиши	97
К.Юсупова. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда рекламавий битикларнинг лисоний илдизлари	101
О.Хўжамуродова Шеъриятда гул лексемасининг лингвопоэтик хусусиятлари	107
Ж.Юнусова. Шавкат Раҳмон шеърларида синонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари	112
Х.Бобоҷонова. Ўзбек тилида арабизмларнинг семантик ўзгариши	116
Ш.Алимова. “Шўро” журналида қипчок этноними тадқикига доир чишишлар	122

Танқид. Тақриз. Библиография

Х.Жабборов. Этнология терминлари қомусий лугати	127
---	-----

Илмий хаёт

Хамдам Абдуллаев	130
----------------------------	-----